



Ислом Нури

Бу дунё аввалда йўк эди. У бир кун яна йўк бўлиб кетади. Ўша кун дунёнинг охири куни бўлади. Шунинг учун уни «**ОХИРАТ**» куни, дейилади. Унинг яна бир оти - «**КИЁМАТ**». Аллох: «**Киёмат соати якин келиб колди**», деб айтган. Аммо Киёматнинг қачон бўлишини Аллохдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Нима учун Киёмат бўлади? Чунки Аллох яхши инсон бўлиб яшаганларга Киёматда мукофот бераман, ёмонлик қилганларни жазолайман, деган. У ана ўша ваъдасини бажариш учун Киёматни келтиради.

Кунлардан бир куни қуёш кун ботиш томондан чиқиб келади. Ана шунда Киёмат бошланади: Исрофил деган фаришта Сур чалади. Дунёда тирик жон борки, хаммаси Сурнинг овозини эшитиши биланок ўлади. Кейин Исрофил фаришта Сурни яна бир марта чалади. Шунда дунёнинг аввалидан бошлаб, то Киёматгача яшаб ўтган жамики одамлар, жинлар ва ҳайвонлар қайтадан тириладилар. Баданлари йўк бўлиб кетганларга Аллох янгидан тана яратади. Фаришталар ҳамма инсонларни битта ерга тўплайдилар.

Киёмат куни осмон қарсиллаб ёрилиб, юлдузлар тўкилиб кетади. Тоғлар гумбурлаб портлайди ва майда-майда бўлиб, ҳавода учиб юради. Қуёш кўкдан пастга туширилиб, ерга якин қилиб қўйилади. Иссикдан дарё ва денгиздаги сувлар қайнайди. Киёмат жуда қийин кун бўлади. У кунда ёш болалар ҳам қаттиқ кўркиб кетадилар. Уларга ота-оналари ҳам қарамай қўядилар. Ҳамма ўзининг жонини ўйлаб қолади. Аммо болалик чоғидан бошлаб Раббига ибодат қилганларга Аллох ёрдам қилади ва Аршнинг остидан соя беради.

Фаришталар бу дунёда ёзиб юрган амал китоблари Киёмат куни



Ислом Нури

хавода учиб келади. Жаннати одамнинг китоби унг ёки олд томонидан, дўзахи одамнинг китоби чап ёки орка томондан учиб келади. Амал китобида инсоннинг хаётда килган хамма ишлари ёзилган бўлади. Аллохнинг Ўзи хаммани сўрок килади.

Охират кунда одамларнинг савоб ва гунохлари тарозуга солиб тортилади. Тарозунинг бир палласига савоб, иккинчи палласига гунох кўйилади. Баъзи одамнинг савоби огир келади... Баъзи одамнинг гунохи огир келади... Кимнингдир ҳеч ҳам савоби бўлмади...

Киёмат куни хамма одамлар Сирот кўпригидан ўтказилади. Сирот кўприги - килдан ингичка, киличдан ўткир. У дўзахнинг устидан ўтади. Кофирлар, мунофиклар ва гунохкор мусулмонлар Сиротдан ўтолмай дўзахга йикиладилар. Яхши мусулмонлар Сиротдан эсон-омон ўтиб жаннатга караб юрадилар. Кейин одамлар бир-бирларида қолиб кетган ҳақларини оладилар. Бу дунёда кимнинг бошқа бировда ҳақи қолган бўлса, унга ўша одамнинг савобидан олиб берилади.

Киёматда одамлар каттик чанқаб кетадилар. Бир култум ҳам сув топилмайди. Шунда Расулуллоҳ Исломга чиройли амал қилиб ўтган инсонларга **КАВСАР** деган каттакон қўлдан сув ичирадилар. Кавсардан бир марта сув ичган одам қайтиб асло чанқамайди.

Киёматда яна жуда кўп ишлар бўлади. Улар ҳақида сизларга устозларингиз батафсил гапириб беришади.

14 - коида. Киёмат албатта келади. У куни кофирлар, мунофиклар, золимлар, ярамас одамлар дўзахга ташланадилар. Хисоб-китобдан яхши ўтган мусулмонлар жаннатга киритиладилар.



Ислом Нури

Киёмат кандай кун? | 3

Саволлар

1. Нима учун Киёмат бўлади?
2. Киёмат кунда бўладиган ходисалар хақида гапириб беринг.